



## ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

### ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/6/2**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинава Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Абдуллаев У. Фарғона vodiysi халқларида анъанавий мотам маросимлари (этнографик материаллар таҳлили).....	4
Алимардонов О. Города – побратимы – как основные действующие акторы народной дипломатии Узбекистана.....	8
Амирдинов Ж. 1970-1977 йилларда Ўзбекистон аҳолиси миграция ҳисобига ўсиши.....	13
Anvarov D. Eron ilmiy tadqiqot muassasalarida temuriylar davrining o'rganilishi.....	18
Атаханов Р. Фарғона vodiysi қорақалпоқларида фарзанд туғилиши билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.....	19
Бегалиева Д. Хива хонлиги давлат бошқарувида оталиқ лавозимининг роли ва ўрни.....	20
Бобохонов А. Истоки формирования концепции «Мягкой силы» в трудах мыслителей Востока.....	23
Каримова М. Кўп миллатли юртда адолат тамойиллари.....	27
Мачин Г. Нуриддин Акрамович Мухитдинов и начало активизации Советской Восточной политики (штрихи к политическому портрету).....	30
Раждобов О. Урушнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда темир йўллар тизими.....	38
Ражабова Р. Бухоро амрида тарихнавислик мактабининг шаклланиши, Қўқон ва Хива хонлиқлари мактабларидан фарқи жиҳатлари.....	40
Хошимжонов Ш. Туркистонда совет ҳокимияти йилларида мулкдорлар ва тadbиркорлар катлами ҳуқуқларининг чекланиши.....	43
Эгамберганов Б. Эрамиздан олдинги XVIII-XVI асрларда Қадимги Мисрда монотенез ғояларининг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихи, унинг социал тузумга таъсири.....	48

### Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Абдуллаханова Г., Миррабарова Д. Важность изучения и анализа случаев разводов в подготовке молодежи к семейным отношениям.....	51
Азимбаева Ш. Мягкая сила Великобритании в Центральной Азии.....	54
Арзиева Б. Sharq mutafakkirlari asarlarida huquqiy madaniyatni shakllantirish muammosining yoritilishi.....	57
Арипова К. Динамика процесса формирования межкультурного контекста.....	60
Ashurova N. Functions of professionally oriented textbooks of a new generation in a foreign language.....	63
Boysunov J. Besh tashabbus doirasida yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish imkoniyatlari.....	66
Валиев С. Эстрада дастурларида шакл ва мазмун уйғунлигини таъминловчи бадний омиллар.....	69
Джалалова С. Использование метода опорной технологии обучение русскому языку студентов узбекских групп гуманитарных направлений.....	72
Исмоилов Д. Бўлажак муҳандисларга илмий ва ўқув биллиш методлари асосида физика ўқитишнинг методик моделини куриш.....	75
Исмоилова Х. Хотин-қизлар ўртасида халқ хунарамандчилик илмини ривожлантириш ижтимоий зарурият сифати социологик асослаш.....	80
Исоков С. Таълим ва социал мобиллик.....	83
Kalandarova M. Homilador ayollar bilan psixokorreksiya ishlarni olib borish xususiyatlari.....	86
Калимбетов К. ОМ талабаларига информатика фанини катъиймас бўлган маълумотларнинг қўллиги шароитида ўқитиш ва баҳолашда қарорлар қабул қилиш.....	90
Каршьева Д. Малакавий амалиёт талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим босқичи сифатида.....	94
Қодирова О. Талабалар эмоционал интелектни ривожланишига оила ва таълимнинг психологик таъсири.....	98
Қулматов П. Ешларда тadbиркорлик маданиятини ва тафаккурни шакллантиришнинг инновацион хусусияти.....	101
Қурбанов Ш., Чоршанбиев З. Таълимда табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишнинг ўрни ва ахамияти.....	104
Мавлонов Ш. Маънавиятнинг сиёсий тadbиркорлик объекти сифатида аке этиши.....	108
Маликов Б. Хитой халқ республикасининг давлат хизмати сиёсати тарихидан.....	111
Маматқосимов Ж. Бўлажак режиссёрларнинг драматик парчалар устида ишлаш жараёнининг педагогик шарт-шароитлари.....	115
Маматқосимова Н. Бўлажак маданият ходимларининг умуммаданий компетенцияларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида.....	118
Маматқулова М. Талабаларнинг маънавий дунёқарабини касбий таълим билан уйғунлиқда ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари.....	121
Мирпўлатов Х. Замонавий байрам ва томошаларда миллийлик ва баднийлик масалалари.....	124
Murodov Sh., Normuminov U. Formation and methodology of the teacher in the primary class.....	127
Nazarov O. Texnika ixtisosliklarida suyuqlik kinematikasi va suyuqlik harakatini o'qitishning nazariy tahlili.....	131
Норимова Г. Инглиз тили машғулотларида талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришга йўналтирилган стриминг технологиялари.....	135
Ranjiev S., Xamrayev N. Virtual reallik – o'qitish usuli va vositasi sifatida uzluksiz ta'limda qo'llashning nazariy asoslari.....	138
Рахимов В. Развитие жизненно важных навыков здорового образа жизни у студентов: проблемы и пути его решения.....	142
Рузметова М. Чет тил ўқитишда нуткий ва тил компетенцияларининг ривожлантирилиши.....	146
Самадов А., Эшонкулов Л. Миллий маънавий меросимизни шакллантиришда ҳажвийлик (кулгилик) категориясининг ўрни.....	150
Саъдиева Г. Давлат хизматчиси фаолиятини мувофиқлаштиришнинг методологик муаммолари.....	154
Содиқова Ш. “Саховат” ва “Мурувват” уйларида кексаларга тиббий-ижтимоий хизмат сифатини ошириш.....	158
Сувонкулов Х. Ўқувчиларнинг миллий кадриятларга қизиқишларини ривожлантиришда “тарбия” фанини ўқитишнинг ахамияти.....	161
Туркменова М., Халипова Л. Талабаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш.....	164
Тулаганов Ш. Фактическая результативность показателей тренировочной деятельности гандболистов юношеского возраста.....	168
Тураев С. Бўлажак дастурчиларга дастурлаш тилларидан таълим жараёнида фойдаланиш методикаси.....	172
Тургунова Г. Локус контроля как фактор совладания личности с болезнью.....	176



Умарова С. Применение опыта Пакистана для наращивания экспортного потенциала текстильной промышленности Узбекистана в системе GSP+.....	180
Ўрокова Д. Хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиёти.....	184
Хайбиев Т., Карамян М. Первичная профессионализация как фактор формирования стиля переговоров у студентов.....	188
Хайдарова С. узлуксиз таълимда ўқувчиларнинг амалий компетенцияларини шакллантиришнинг методик тизими.....	192
Chiniyeva S. Rus tilini chet tili sifatida o'qitish muammolari.....	195
Шавкиева Д. Рақамли технологиялар шароитида геймификация ёрдамида инглиз тилини ўргатишнинг босқичлари ва натижалари.....	198
Shamsitdinova M. Teaching listening comprehension in mixed ability groups.....	201
Шодиев Р., Алимарданова М. Мактабгача ёшдаги болаларни когнитив кўникмасини ривожлантиришда ҳамкорлик алоқаларининг ўрни.....	205
Шогулатов А. Бўлажак тренерларда креативлик лаёқатини ривожлантириш йўллари.....	208
Шоҳақимов А. Билим ва билиш жараёнларининг харбий хизматчилар ижтимоий оғига таъсири.....	212
Шукуров А. Булутли технологиялар воситалари ёрдамида виртуал таълим технологиялари компетенцияларини шакллантириш.....	215
Evni E. O'qituvchilarning kasbiy rivojlanishida ijtimoiy tarmoqlarning o'rni.....	219
Yergashev N. Texnika ixtisosliklari mutaxassislik masalalarini yechishda C++ visual dasturlash tilida klasslardan foydalanish tahlili.....	223
Эшмуродов А. Талабаларнинг мустақил таълимда web 3.0-технологияларидан фойдаланиш.....	226
Yusupova L. Preparing materials for esp teaching.....	229
Юсупова М. Идеино-эстетическая программа развития сценического искусства Узбекистана в XX век.....	232
Юсупова Н. Функциональные и технологические характеристики компонентов аудиовизуальных искусств.....	235

#### Филология

Абдулкасимова Л. Конверсия ва аффиксация: термин ясашнинг морфологик усули сифатида.....	238
Abdiraimov Sh. O'qib tushunish ko'nikmasini baholashda foydalaniladigan topshiriqlar metodikasi.....	243
Амирова З. Когнитив семантикада концептнинг "эмоционалтиги" ва "лингвомаданийлиги" тушунчалари.....	248
Bayjanova O. Use of terminology, cliches in the official diplomatic style of the English language.....	251
Бобокалонов О. Шифобахш ўсимлик номларининг лексик-семантик хусусиятлари.....	255
Давлатова А. Абдулла Орипов балладалари таҳлили.....	258
Jumayeva D. "Yusuf va Zulayxo" dostonlarida badiiy san'atlar.....	261
Jumaniyozova N. Ingliz va o'zbek tillarida yuridik diskurs struktural tahlili (sodda gaplar misolida).....	264
Jo'rayeva B., Jumayeva M. Lingvokulturologiyaning nazariy tadqiqi.....	268
Jurayeva G. Bolalar hajviy she'riyatida milliy-madaniy va ijtimoiy-ma'rifiy tajribalar ifodasi.....	271
Зияева К. Инглиз ва ўзбек хазилларининг лингвомаданий таҳлили.....	275
Ibratov B. Zamonaviy tilshunoslikda onomastika tamoyillari.....	278
Kamilova D. Lexicographic analysis of the terms "Business and entrepreneurship" in English and Uzbek.....	281
Касимова Р. Психология, адабиётшунослик ва таржимашунослик узвийлиги.....	283
Корзун А. «Художественные особенности драмы Хан Дина «Не стоит раскачивать дерево...».....	286
Кучибоев М. Мақоллар таржимасида образлиқни қайта тиклаш.....	289
Kakharova M. Psychological circumstances of protagonists in autobiographical works.....	292
Mamarajabova I. O'zbek tilida "vaqt" konseptini ifodalovchi birliklar tavsifi.....	296
Mamatqulova T. "Qo'shiq" istilohining etimologik va terminologik mazmuniga doir.....	299
Матенова Ю. К вопросу о теории культурного трансфера.....	302
Makhamadaliyeva Z. Theory of phraseology in modern English.....	305
Maksumova U. Innovatsion metodning chet tillarida tutgan o'rni.....	308
Махмудов А. Ғарбий Европа адабиётида толерантликнинг назарий асослари.....	311
Негматова Н. Арабизмы во французском языке, история возникновения и их семантическая ассимиляция.....	314
Расулова У. Истиклол даври ўзбек адабиётшунослиги.....	317
Сиддикова И., Солиева М., Нартаева М. Тиббиёт терминлари тилшунослик объекти сифатида.....	320
Sobirova G. Theory of speech acts in modern linguistics.....	324
Sultanova N. Linguocultural features of folklore texts (based on magic tales) of english and uzbek people.....	327
Тулабаева Р. Тоҳир Малиқнинг "Алвидо болалик" асарига замон ва бола образи талқини.....	330
Тураходжаева М. Ўсимликшуносликка оид лексемаларнинг аффиксация усули орқали ясалишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	333
O'rozoval I. "Muhabbatnoma" asaridagi frazeologizmlar statistikasi.....	337
Шамсегова Б. Инглиз ва ўзбек тилларида миллий кадриятни ифода этувчи лексемик бирликларнинг структурал-семантик жиҳатлари.....	342
Shokirova Sh. Functional and semantic types of "please" speech acts.....	345
Шоннёзов М. Фазлий Намангонийнинг шпри.....	348
Юлдашев А. Концептуал деривация икклиамчи интерпретация ходисаси сифатида.....	351



Умида РАСУЛОВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти

ф.ф.д

E-mail: [rasulovaumida12@gmail.com](mailto:rasulovaumida12@gmail.com)

Ф.ф.н. Н.Зиёдуллаева тақризи асосида

#### UZBEK LITERATURE OF THE PERIOD OF INDEPENDENCE

Annotation

The article describes the process of assessing the scientific and artistic heritage in the literary criticism of the period of independence on the basis of new principles of interpretation of literary events. No literature can develop without enjoying the achievements of other cultures. In Uzbek literature, attention is paid to the presentation of some traditions of the figurative re-creation of the world in the West in combination with the doctrine of Eastern Islamic philosophy.

**Key words:** literature, nation, art, aesthetics, criticism, analysis, interpretation, poetics.

#### УЗБЕКСКОЕ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ В ПЕРИОДЕ НЕЗАВИСИМОСТИ

Аннотация

В статье описан процесс оценки научного и художественного наследия в литературоведении периода независимости на основе новых принципов интерпретации литературных событий. Ни одна литература не может развиваться, не наслаждаясь достижениями других культур. В узбекской литературе уделяется внимание представлению некоторых традиций образного перевоплощения мира на Западе в сочетании с доктриной восточно-исламской философии.

**Ключевые слова:** литература, нация, искусство, эстетика, критика, анализ, интерпретация, поэтика.

#### ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ

Аннотация

Мақолада мустақиллик даври адабиётшунослигида илмий ва бадий меросни янги тамойиллар асосида баҳолаш, адабий ҳодисаларни изоҳлаш жараёни ёритилади. Ҳар қандай адабиёт ўзга маданиятлар ютуғидан баҳраманд бўлмадан тараккий этмайди. Ўзбек адабиётшунослигида оламни образли қайта тавдалантиришнинг ғарбда маълум анъаналарини шарҳ ислом фалсафаси ақоиди билан муштаракликда тақдим этишга эътибор қаратилди.

**Калит сўзлар:** адабиётшунослик, миллат, бадий, эстетика, мунаққид, таҳлил, талқин, поэтика.

**Қирриш.** Адабиётшунослик ўз предмети ҳамда тадқиқ йўналишига эга мустақил фан тармоғи ҳисобланади. У ижодкор ва китобхон орасидаги мулоқотни юзага келтирган бадий матн хусусиятини кенг қўламда ўрганади. Адабиётшунос бадий тафаккур ривож, поэтик усул ва воситаларнинг қонуниятини назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Адабиётшунослик соҳасида сўзнинг матнда, бадий асар таркибида эстетик, фалсафий аҳамият касб айлаши, бу жараёнда умумбашарий аҳамият мақомига қўтарилиши асослаб борилади. Маълумки, адабиётшунослик уч таркибий қисмдан иборат: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид. Адабиёт тарихи илмда тарихийлик нукта назаридан адабий жараёни аниқ ижтимоий шароит билан уйғунликда кузатиш мақсад қилинади. Адабиёт тарихида адабий фактлар, ижодкор қисмати, бадий меросини ҳолис тадқиқ этиш талаб этилади. Адабиёт назарияси бадий асар тузилиши, тил хусусияти, тур ва жанр, услуб каби муаммоларни кенг аспектда ўрганиб, шу асосда умумий қонуниятни тақдим этади. Адабиёт назарияси матнни таҳлил этиш методи, баҳолаш даражаси, ижод асрори янглиг илмий қарашларни қамраб олади. Адабий танқиднинг ўзига хос хусусияти – аниқ бадий асарларнинг поэтикасини илмий мезонлар асосида ҳолис ҳамда адолатли баҳолаш, тамойиллар моҳиятини ёритиш жараёнида намоён бўлади.

**-Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).** Адабий танқид адабий ижод оқимининг боришига бевоқиф аралашади, унинг ҳамма ҳодисаларида иштирок этади, адабиётнинг асосий хусусиятлари

шақлланишига таъсир қўратади. Бу соҳага оид қарашлар М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Б.Назаров, Д.Қуронов, Б.Қаримов тадқиқотларида ёритилган. Адабиётшунослар бадий асарларни ҳозирги кундаги эҳтиёж ва талаблар жиҳатдан ўрганадилар, баҳолайдилар, фазилат, нуқсонларини аниқлаб, шоир ва ёзувчиларнинг ижодий ўсишига, адабиётнинг раванқига туртки берадилар. "Истиклол. Адабиёт. Танқид"[1], "Истиклол ва бутунги адабиёт"[2], "Бадийлик-безавол янглик"[3], "Озод Ватан саодати. Танқид"[4] "Рухият алифбоси [5]" каби монографияларда бадий асарни қайта кашф этиш, сўз ҳарорати, қимматини идрок айлаш, янги тасвир, ифодага эҳтиёж сезиш ижодкору мунаққидни синчковлик, зукколикка даъват этади. Миллат фидойиларининг ижодкор шахсияти, мунаққид салоҳияти бобидаги теран қарашлари ёш мутахассисга миллий ифтихор туйғусини сингдиришда намуна бўлади.

**-Тадқиқот методологияси (Research methodology).** Таҳлил ва талқинлар-бадий асар баҳосини белгилашдаги бош мезон. Айни вақтда улар адабий танқиднинг муҳим таркибий асослари. Бадий асарни баҳолаш жараёнида қиссий, типологик, структур таҳлил усулларидан фойдаланиш мумкин. У бадий асар воситасида ҳаёт, инсонлар ҳақида мушоҳада юрताди; бадий асарнинг ижтимоий-маданий муносабатдаги ўрни, вазифаси, миллий-мафкуравий, умуминсоний моҳиятини ёритади; бадий асарнинг фалсафий-эстетик қиррасини, тарихий-маданий қатламдаги ўрнини белгилайди; адабий матн таҳлили орқали бадийга доир қамчиликни



кўрсатади ёхуд танкиднинг сараловчилик вазифасини амалда шархлайди; бадий асарга сингдирилган, унинг таркибига айланб кетган гўзаллик, нафосатни нозик кашф этадиган, илмий-манткий хулосаларга асосланган талкин воситасида уларни юзага чиқаради; адабий талкиннинг хулоса, натижаларини бадий асар баҳосини белгилашга йўналтиради.

Адабий танкиднинг ривожланиши ўзбек вақтли матбуоти билан чамбарчас боғлиқдир. Вақтли матбуот адабиётга алоқадор бу янги соҳани тараккий эттиришга ўз хиссасини қўшади. Нашр этилган бадий ва таржима асарларга биринчи марта вақтли матбуот ўз саҳифаларида тақрирлар бера бошлади. Ўзбек адабий танкиди масалалари айнан газета ва журнал воситасида мутахассис, китобхонлар эътиборига хавола қилинади. Адабий нашр саҳифаларида ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётдаги янгиликлар билан мунтазам танишиш имкони яратилади. Адабий жараённи баҳолаш, айна дамда ижодкор томонидан тақдим этилган асарга муносабат билдиришда мунаққиднинг фаоллиги муҳим. Шу маънода матбуот минбар мисоли адабиётшунос ҳамда санъаткор мулоқотини ташкиллаштиришда фаоллашиб боради.

**-Таҳлил ва натижалар (analysis and results).** Мустақиллик йилларида маданий меросни ўрганиш, миллий ифтихор туйғусини туйиш ҳамда кадрларни англаш, адабиётшунослик моҳиятига янада чуқур кириб бориш, бадий асарларнинг адабиёт ривожидagi муносаб ўрнини асослаш, ҳозирги давр адабиётга кучли таъсир ўтказган ижодкорлар фаолиятини кузатиш жадаллашди. Бадий адабиётда умуминсоний ғояларнинг талкин этилиши баркамол авлод келажакга ижобий таъсир кўрсатади. Асарнинг поэтик ўзига хослиги, тасвир қўламини, композицион яхлитлигидаги ўзгаришлар ижодкор тафаккуридаги эвристиклар маҳсули саналади. Адабиётшуносликда яратилган ижод намуналарини ўрганиш бадий тафаккурни бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Адабиётшунос адабий жараённи, муаллифнинг индивидуал услуби ва маҳоратини изчил ўрганиб, фалсафий, ахлоқий қарашларини илғари суради. Мунаққид Озод Шарафиддинов: "Адабиёт санъат ҳодисаси, инсоннинг рухий, психологик фаолиятининг асосий соҳаси сифатида оламнинг образли инькоси ўлароқ яшашда давом этади. Фақат у энди даврнинг энг янги ва илғор ғоялари, миллий ғоялар билан бойиган, энг муҳим эса, бадий жиҳатдан юксак турадиган адабиёт бўлиши лозим. Озод халқнинг адабиёти ҳар жиҳатдан жуда юксак даражада турадиган адабиёт бўлмоғи керак", - деган[6].

Мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий вазият ўтмишни ҳаққоний ўрганиш; муқаддас асарларни ҳолис, ишонарли, илмий талкин этиш имконини берди. Қуръони Каримнинг тафсири, Имом Бухорий жамлаган саҳих ҳадислар тўплами, Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг шарҳли таржимаси, дунёга танikli мумтоз олимларимиз, адибларимиз асарларининг изоҳ-шарҳлар билан чоп этилиши тарихимизнинг бебаҳо ютуқларидир. Мустақиллик туфайли сўз санъаткори, олимлар асарлари мукамал ҳолда чоп этила бошланди. Бу даврда айна диний маърифий йўналишдаги асарларнинг нашр этилишига эътибор берилганини кайд этиш даркор.

Мустақиллик палласидан эътиборан ҳолис талкин танкид асосига айлана борди. Бу танкидда англаш, кизикш, тушуниб етиш тамойили кўзга дарҳол ташланади. Ўзбек танкидчилиги миллий ғояни тараннум этишга, истиқлол мафқурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга эътиборни кучайтирди. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр янгиликларига қарши курашиш, баҳс-мунозара, танкид ва таҳлиллар орқали

мафқуравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш асосий масала бўлиб турибди. Адабиётшунос Адабиётшунос Баҳодир Каримов:" Умуман олганда, адабий танкидчиликнинг таҳлил ва талкин имкониятлари, назарий фикр камрови кенгайди. Талкин жараёнига фалсафа, психология, сошиология, тиббиёт ва бошқа фанларнинг ютуқлари татбиқ этилди. Энг муҳими, ҳар бир мунаққиднинг адабий ҳаётдаги тажрибаси ортан сари ўзига хос танкидий тафаккур тарзи, таҳлил ва талкин услуби намоён бўлди,"-дея эътироф этади[7].

Мустақиллик йилларида миллатимиз илм, фанини ривожлантиришда фидойилик кўрсатган маърифатпарварлар илмий, бадий меросига алоҳида аҳамият берилди. Адабий жараёнда бадий сўз қуввати борасидаги қарашларни қайта ўрганиш, бутунги авлод вақиллари дунёқарашига муштарак жиҳатларни аниқлаш, адабий жанрлар тараккий боришидаги фикрларни муқояса этишда мунаққиднинг масъулияти ортиб боради.

Бу борадаги баҳслар адабий нашр, телекўрсатувларда жонланиб боради. Модернизм, абсурдизм, авангардизм, неореализм, постмодернизм, структурализм, экзистенциализм, сингарти оким ва тушунчаларга адабий танкид муносабат билдири бошлайди. Танкидчиликда Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Сувон Мелиев, Дилмурод Қуроно, Баҳодир Каримов қабиллар адабий асарни англаш қонуниятлари, рецензив эстетика ҳақида теран, асосли фикр билдирдилар. Янги замондаги ёзувчи, китобхон, жамият аро узвий учлик боғланиши муаммолари ўзбек танкидчилиги талқинида бўй кўрсатади. Адабий мулоқоту баҳсларда танкид соҳасидаги янги сифат ўзгаришлари баҳолаб борилади.

Модернизм адабиётга бағишланган баҳсда қўлаб адабиётшунослар унинг моҳиятига эътибор қаратиб, инсон омилига ёндашувдаги ўзгаришни кузатадилар. Ўзбек адабиётда «модернизм» тушунчаси борасидаги баҳсда турли қараш, муносабат кўзга ташланади. Адабий танкиднинг кейинги фаолиятида мазкур баҳс-мунозаралар доираси кенгайиб, модернизм йўналишига мансуб окимларнинг фалсафий, ижтимоий, эстетик моҳиятини талкин этишга эътибор қаратила бошланди. Шубҳасиз, ушбу мавзудаги дастлабки чиқишлар айрим камчиликлардан, яъни модернизм окимларига юзак таърифлар беришдан, ўзбек адабиётда яратилган айрим асарларни ана шу окимларга зўрма-зўраки боғлашга уринишлардан ҳоли бўлмаган эса-да, моҳиятан айна шу ҳаракатлар танкидчилик тамойилларида зимдан янгилашиш жараёни бошланганини кўрсатади.

Истиқлол йилларида адабий танкидда интеллектуал мушоҳада ортди, баланларвозлик, маҳиябозлик йўқолиб борди. Фикрни далилаш, шунтириш санъатида, китобхонда гўзаллик туйғусини тарбиялаш масалаларида ўзгаришлар рўй бера бошлади. Маънавийт масалаларига, адабий танкид муаммоларига жиддий эътибор қаратила бошланди. Жоржий адабий жараённинг ҳодисаларини ва бадий ижоднинг айрим асарларини таҳлил этиб, уларнинг қимматини кенг оммага тушунтириб беришга ва китобхоннинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танкид ўз ўқувчисига оммавий ахборот воситалари орқали муружаат этади. Бу, айниқса, халқ маънавиятини бойитиш, ижодкор маҳоратини ёритиш, янги йўналишдаги асарларни тарғиб этиш жараёнини жадаллаштиради.

Бадий асар киши маънавиятини бойитиб, унинг миллий ҳамда умуминсоний кадриялар борасидаги тасаввурларини гўлдириб боради. Ҳар бир даврнинг ижтимоий, маданий сатҳдаги янгиликларни адабиётда тажассумини топади. Ҳозирги адабий жараён бадийят



намуналари поэтикасидаги ўзгаришларни баҳолаб, объектив ва субъектив омилларни шарҳлаб боради. Ижодкор мазмуннинг салмоғи, умумлашманинг кенглигига эътибор қаратиб, сўз қудратини туйдиришга интилади. Бадий воқеликни жонли яратиш ҳаётни теран ўрганиш, олам ҳақиқатини ҳис этишдан бошланади. Адабий жараён киммати янги асарлар яратилгани билан белгиланади. Бадий асарнинг фалсафий-эстетик моҳияти, тарихий, маданий қатламдаги ўрни ўзлаштириш асносида муҳим аҳамият касб этади. Адабиётшуносу Д.Қуროнов: "...Ижод жараёнида воқелик санъаткор онги-ю калбидан ўтказилиб, моделга айланттирилган бўлса, ўқиб жараёнида ўша модел воситасида ижодий жараён тикланади-бадий воқелик қайтадан яратилади", - дейди.[8]. Ижод намунасини қабул қилиш руҳ, онга сингдириш қисмининг мазмунини бутун таркибда тасаввур этишни тақозо қилади. Бадий матн мазмуни китобхон тафаккурида кенгайиб, сирли сарҳадларга йўл очади.

Адабий ҳаётда дунё адабиётидан таржима масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мунаққид Озод Шарафиддинов муҳаррирлигида "Жаҳон адабиёти" журнаlining таъсис этилиши китобхонлар аудиториясини кенгайтди. Журналда жаҳон адабиётининг сара намуналари билан бирга фалсафа, санъат, маданият соҳаларидаги янгиликлар ҳам берилди бошлади. Мазкур журналда Габриель Маркес, Альбер Камю, Франц Кафка, Хорхе Борхес, Робиндранат Тагор, Пауло Коэльо, Уильям Шекспир, Федор Достоевский, Александр Пушкин каби ижодкорларнинг асарлари ўзбек тилида тақдим этилди. Озод Шарафиддинов "Жаҳон адабиёти адабиёт ҳақида" асарида Херман Хессе, Жон Голсуорси, Ирвин Стоун, Александр Генис, Андре Моруа, Ортега и Гассет қабиларнинг адабиёт, санъат борасидаги назарий қарашларидан бохабар этади. Мутаржимнинг адабий характер, биографик қисса, санъаткор услуби, саҳна назарияси, ижод лабораторияси борасидаги мулоҳазаларида адабий ижод, маърифат, маънавият масалалари камраб олинади. Шунингдек, китобда жаҳон адабиётдаги модернизм ҳодисаси моҳияти борасида дунё олимлари қарашларидан намуналар келтирилади.

Бу даврда адабий танқид адабий-тарихий жараёнга таъсир кўрсатувчи аҳамиятини заррача қамайтган эмас. Адабий-бадий танқидчилик талабчанликни маҳорат билан, бадий бойликларни майдонга келтирувчиларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб, янада талабчанроқ бўлиб майдонга чиқса, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари бундан ҳам ортиши мукаррар. Танқидчиликнинг бурчи ҳозирги замон бадий жараёнидаги ҳодисаларни, тамойилларни ва қонунларини чуқур таҳлил этиб беришдан, халқчиллик тамойилларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама қўмаклашишдан, санъат ва адабиётнинг юксак гоъий-эстетик савияси учун курашишдан иборатдир.

Танқидчиликда эстетик концепциянинг ишлаб чиқилишида санъаткорнинг бадий ижод фалсафаси ҳамда адабий жараён психологиясига оид фикр

мулоҳазалари, шахс ва жамият руҳиятини тазарирлида бадий асарнинг ижтимоий эстетик аҳамиятига доир нуқтан назари эътиборда бўлган. Муҳими, адабий, танқидий фикрлари бадий сўз эстетикасини, санъат фалсафасини яратишга қаратилгани, башарий қадриятлар мақомига мансублиги билан эъзозли. Ҳар бир даврдаги эстетик концепциялар табиатан у ёқли бу даражада ижтимоий фикрларни ифодалайди. Яъни ҳар қандай фалсафий мафкуравий тизимлар ижтимоий йўналишга эга. Аслида шўро мафкуриси инсон ва жамият фаолиятини спёсатлаштирган эди. Энди жамиятнинг маънавий ҳаётида яхши ўзгаришлар рўй бериб, умуминсоний манфаат, кадр қимматини асрашга аҳамият қаратилди.

Бадий сўзнинг эстетик таъсир кучи шундаки, у ифода гўзаллиги билан чекинб қолмайди. Аксинча, у моҳиятан ҳаётдаги гўзалликнинг ўзи бўлиб қолади. Санъаткор кўзлаган муайян мақсадга эришишида бадий сўз гўзаллик тисмосига айланшидир. Сўзнинг бадийлиги бу санъат асарларида акс эттирилган маънавий қадриятларни баҳоловчи, фалсафий эстетик аҳамиятини белгилловчи гўзаллик мезонларидир. Бадий асар тарғибот ташвиқот воситаси эмас, у санъат намунаси, гўзаллик ҳодисаси саналади.

Адабиётшуносу эстетикасидаги гўзаллик концепцияси шундайки, бадий асар давр руҳини, миллат маънавиятини, жамият онги, савиясини қанчалик мукамаллаштириши, юксалтириши билан белгиланади. Бадий дид ва эстетик савия адабий асар қимматини белгилайдиган бош мезон. Истиклол даврида яратилган бадий намуналарида турфа рангларга эга бўлиш, миллий қадриятни мадҳ этиш, ҳақиқатни дид ифодалаш, инсон қалбини нозик тасвирлаш, унинг теран қатламга нигоҳ ташлаш, қаҳрамон фитратидидаги эзуликни таърифлаш тамойили ортиб борди.

#### -Хулоса (conclusion/recommendations).

Мунаққидлик даври ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ўз йўналишини миллий, маънавий меросни тарғиб этиш, ижодда хурлик, эркинлик туйғусининг устуворлигини кўрсатиш, дунё, хусусан, туркий адабиётдаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш жараёнини кузатиш масалаларида белгилаб олди. Адабиётшунослар илмий изланишида миллий мафкуранинг қишлар онгига сингдирилиши, бадий яратилган ўзлиги, ғурурини намоён этган қаҳрамоннинг руҳиятини баҳолашга аҳамият қаратилди. Адабиётшуносликда манбашунослик, матншунослик соҳалари ривожланиши мумтоз асарлар, яхши китоб моҳиятини ўқиб жараёнини жадаллаштирди. Ёш ижодкорлар билан адабий жараён, ижод лабораториясига оид мулоқотда ижод эркинлиги масаласига эътибор ортди.

Мунаққид асар мутолааси асносида инсондаги ахлоқий, эстетик мезонлар борасида хабар беришга қолмай, завқини китобхонга етказиши муҳим. Мунаққидлар бадий адабиётни синфийлик нуқтан назардан текширишдан воз кечиб, уни бадийят қонунлари доирасида баҳолашга эришилди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Истиклол. Адабиёт. Танқид. Тошкент. Турон замин эне. 2015
2. Раҳимжонов Н. Истиклол ва бугунги адабиёт. Тошкент. Ўқитувчи. 2012
3. Расулов А. Бадийлик безавол янгилик. Тошкент. Шарк. 2007
4. Озод Ватан саодати. Танқид. 4- жилд. Тошкент. Ижод. 2011
5. Каримов Б. Руҳият алифбоси. Тошкент. Гафур Ғулом номдаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2015
6. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Тошкент. Шарк. 2004
7. Ўзбек адабий танқиди. Антология. Т. Турон иқбол. 2011.
8. Қуროнов Д. Чўлпон насри поэтикаси. Т. Шарк. 2004.